

# Кўришни инкор қилувчиларнинг далиллари ва уларга жавоблар | Ақийда дарслари (307- дарс)



19:00 / 23 декабрь 275

1. Мўътазилийлар Аллоҳ таолонинг

تَرَبِّنِي لَنْ قَالَ

«У Зот: «Мени ҳеч кўра олмассан...» деди» (Аъроф сураси, 143-оят)  
деган оятини далил қилиб «Аллоҳ, Мусо алайҳиссаломга «ҳеч» деган сўзни  
ишлатиб, келажакда кўриш мумкин эмаслигини таъкидлади», дейдилар.

2. Улар яна

الْأَبْصَرُ تَدْرِكُهُ لَا

«**Кўзлар Уни идрок эта олмас**» (*Анъом сураси, 103-оят*) оятини ҳам далил қилиб, «Ушбу оят кўзлар Аллоҳ таолога назар солишга қодир эмаслигига далолат қилади», дейишади.

Биринчи оятнинг жавоби: «Бу оят мўътазилийларнинг зиддига далилдир, уларнинг фойдасига эмас. Чунки бу оят кўришнинг собитлигига бир неча томондан далолат қилади.

Биринчидан: Мусо алайҳиссаломдек Аллоҳ билан гаплашган, У Зотнинг мухтарам пайғамбари бўлган ва ўз замонасида Роббини энг яхши таниган пайғамбар У Зотдан жоиз бўлмаган нарсани, яъни Аллоҳга назар солишни сўраши мумкин эмас. Бундай қилиш улар (пайғамбарлар) учун амри маҳолдир.

Иккинчидан: Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг саволини «**Мен сенга жоҳиллардан бўлмаслигингни насиҳат қиламан**» (*Худ сураси, 46-оят*), деб инкор қилганидек, Мусо алайҳиссаломнинг саволини инкор қилгани йўқ.

Учинчидан: Аллоҳ таоло «**Мени ҳеч кўра олмассан**», деди (*Аъроф сураси, 143-оят*). «Мен кўрилмасман» ёки «Мени кўриш жоиз эмас», дегани йўқ. Икки жавоб орасидаги фарқ очиқ-ойдин. Бу эса Аллоҳ таолони кўриш мумкинлигига, аммо одамзод заифлиги сабабли Мусо алайҳиссаломнинг қуввати У Зотни бу дунёда кўришга етмаслигига далолат қилмоқда. Аллоҳ таолонинг «**Лекин тоққа назар сол**» (*Аъроф сураси, 143-оят*), дейиши ҳам шунга далолат қилади. Агар бу дунёда Аллоҳ таолонинг тажаллисига тоғ қодир бўлмаса, заиф инсон қандай қилиб қодир бўлсин?!

Мўътазилийлар «ҳеч» маъносини ифода қилувчи «лан» қўшимчаси нафийнинг, яъни инкорнинг абадийлигини билдиради, деб даъво қиладилар (яъни «лан тарони» дегани «Мени ҳеч қачон кўра олмайсан» дегани, дейдилар). Уларнинг бу даъвоси ботилдир. Чунки бу ҳарф (яъни «лан» қўшимчаси) қайд қилинган тақдирда ҳам нафийнинг охиратда давом этишига далолат қилмайди. Шундай экан, қандай қилиб қайд қилинмаган ҳолда охиратга ҳам ўтиши мумкин?

Ибн Молик «Алфия»сида:

«Ким десаки: «Лан» абадий равишда нафий қилур»,

Унинг гапини рад қил, бошқасини қўллаб-қувватла», деган.

Иккинчи оятнинг жавоби: Бу оят ҳам жуда латиф жиҳатдан кўришнинг собитлигига далолат қилади. У ҳам бўлса, Аллоҳ таоло уни мақтов борасида зикр қилишидир. Маълумки, мақтов фақат собит сифатларда бўлади. Собитликнинг акси эса камолот эмас. Шунинг учун бу билан мақталмайди.

Бунинг маъноси шуки, албатта, У Зот кўрилади, аммо идрок қилинмайди, ихота қилинмайди. Чунки идрок қилиш ихота қилиш бўлиб, кўришга кўшимча нарсадир. Қайдни рад қилишдан қайдланганни рад қилиш келиб чиқмайди. Ҳа, Аллоҳ таоло кўрилади, аммо идрок қилинмайди.[\[1\]](#) Билинади, аммо У Зотни илм ила ихота қилиб – қамраб олиб бўлмайди. Саҳобалар ва имомлар ушбу оятдан шуни тушунганлар.

????? ????????? ??????? ??? ????????????????? ???????  
?????? ??????? ????????????????? ??????????????????????????????.

### **Ислонинг қадами фақатгина таслим бўлиш ва бўйсунуш устидагина собит бўлур.**

**Шарҳ:** Бу истиоранинг турларидандир. Ҳиссий қадам фақат бирор нарсанинг устида собит бўлади. Яъни ким Қуръон ва Суннатда келган нарсаларга таслим бўлмаса, бўйсунмаса ва уларга эътироз қилиб, фикри, ақли ҳамда қиёслаши билан уларга қарши чиқса, Исломи собит бўлмайди.

Имом Бухорий имом Муҳаммад ибн Шихоб Зухрийдан қилган ривоятда у киши раҳматуллоҳи алайҳи:

«Аллоҳдан рисолат, Расулдан етказиш, биздан таслим бўлиш», деганлар. Бу жамловчи гап бўлиб, Аллоҳ таолонинг ҳаққини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масъулиятлари бўлмиш етказишни ва бизнинг бурчимизни, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсага таслим бўлиб, бўйсунушимизни ўз ичига олгандир. Оқил одам билурки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан келтирган хабарда маъсумдирлар, у киши хато қилишлари мумкин эмас. Аллоҳ таоло: «**У** (Қуръон) **юбориладиган ваҳий, холос**», деган (*Нажм сураси, 4-оят*). Шунинг учун у зотга таслим бўлиб, амрларига бўйсунушимиз вожибдир.

Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари бунга далилдир:

الْبَلَّغُ إِلَّا الرِّسُولَ عَلَىٰ وَمَا

«Расулнинг зиммасида очик-ойдин етказиш, холос» (Анкабут сураси, 18-оят).

الْمُبَيِّنُ إِلَّا الرِّسُولَ عَلَىٰ وَمَا

«Расулнинг зиммасида очик-ойдин етказишдан бошқа нарса йўқ» (Нур сураси, 54-оят).

لَهُمْ لِيُبَيِّنَ قَوْمِهِ بِلسَانِ إِلَّا رَسُولٍ مِّنْ أَرْسَلْنَا وَمَا

يَشَاءُ مَنْ وَيَهْدِي يَشَاءُ مَنْ اللَّهُ فَيُضِلُّ

«Қайси бир расулни юборган бўлсак, баён қилиб бериши учун ўз қавми тили ила юборганмиз. Бас, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказур, кимни хоҳласа, ҳидоятга соладир» (Иброҳим сураси, 4-оят).

شَجَرَ فِيمَا يُحَكِّمُوكَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوا لَا وَرَبِّكَ فَلَا

قَضَيْتَ مِمَّا حَرَجْنَا أَنفُسِهِمْ فِي يَجْدُوا إِلَّا تَمَّ بَيْنَهُمْ

تَسْلِيمًا وَيَسْلَمُوا



**«Йўқ, Роббингга қасамки, ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга сени ҳакам қилмагунларича, кейин чиқарган ҳукмингга нафсларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар!»** (Нисо сураси, 65-оят).

**Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан**

[1] Яъни оятдаги «Кўзлар Уни идрок эта олмас» дегани «У Зотни кўриб бўлмайди» дегани эмас, аксинча, «У Зотни кўриш мумкин, лекин идрок этиб бўлмайди» деганидир.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.